

Россия жамоатчилиги:

«ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРЛАМЕНТГА ЙЎЛЛАГАН МУРОЖААТНОМАСИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА»

Дарья ЧИЖОВА, Москва давлат университети хузуридаги Постсовет маконида ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси комплекс характер касб этиши билан ажралиб туради. Ўз нутқида давлат раҳбари мамлакат ривожининг барча соҳасини қамраб олди, унда билдирилган ташаббуслар аниқ тизимли тарзда ишлаб чиқилган. Хусусан, Президентнинг инсон капиталини ривожлантиришга аҳамият қаратаётгани эътиборга молик. Ўзбекистон етакчиси лавозимига сайланган биринчи кундан бошлаб инсон капиталини ривожлантиришни дав-

лат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эълон қилди ва ушбу тамойилга бугунги кунга қадар амал қилиб келмоқда. Албатта, иқтисодиётнинг изчил ўсишини таъминлаш, мамлакатни "рақамлаштириш" учун инсон капиталига инвестициялар сув ва ҳаводек зарур. Мурожаатномада аҳоли турмуш тарзини яхшилаш масаласига комплекс ёндашув намён қилинган. Мақсад шунчаки фуқароларга "пул тарқатиш" эмас, балки уларнинг ижтимоий ва иқтисодий



ҳаёти яхшилианиши учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги катта истиқболга эга. Жумладан, иқтисодиётни "рақамлаштириш", кишлоқ ҳўжалиги, транспорт-логистика соҳасини такомиллаштириш борасида давлатларимиз яқин кооперацияни йўлга қўйишлари мумкин.



Александр ВОРОБЬЕВ, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими:

зифа сифатида таъкидланиб, бунда миқдорий кўрсаткичларга эмас, парламентнинг қабул қилинган қонунлар учун жавобгарлигини орттиришга аҳамият берилмоқда. Натижада қонунлар чуқур ва кенг кўламли ўрганишлар ҳамда муҳокамалардан ўтганидан кейингина қабул қилинишига шaroит яратилади. Марказий ва маҳаллий ижро органлари устидан назорат, коррупция билан кураш, амалдорлар фаоли-

яти очиқлианишини таъминлаш сингари йўналишларда ҳам Олий Мажлис етакчи ролни олиши кутилмоқда. Президент белгилаб берган вазифаларнинг ҳаётга имплементация қилиниши миллий парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда нуфузи юксалиши, мамлакат сиёсий тизимининг изчил ва оқилона фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Бизнинг интервью

УЗОҚ ВА БАХТЛИ ҲАЁТ КЕЧИРИШНИНГ



Аҳолининг узоқ умр кўриш давомийлигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Зеро, ушбу кўрсаткич инсонларнинг соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёти ифодасидир. Шу ўринда соғлом турмуш тарзи нима, унга амал қилиш меъёрлари қандай, юртимизда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар нималардан иборат, каби саволлар туғилади.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно ОДИЛОВА шу сингари саволларга оидийлик киритди.

Соғлом турмуш тарзи — инсоннинг кун тартибига рияз этиши, фаол ҳаракат асосида организмни чиниқтириши, спорт билан шуғулланиши, тула ва сифатли овқатланиши, гигиеник қондаларга амал қилиши, зарарли одатлардан ўзини тия билишидир, — дейди у. — Серҳаракатлилик организмни табиий равишда рағбатлантириб туради. Шунинг учун сергайрат, тиниб-тинчимайдиган одамлар доимо тетик, бардам, кексайганларида ҳам бақувват ва шижоатли бўлади.

Афсуски, ҳозирги урбанизация шароитида кенг жамоатчилик ва ёшларимиз ўртасида жисмоний фаоллик сезиларли камайганлиги кўзга ташланмоқда. Шу боис жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, камҳаракатлиликка қарши курашиш, инсонларнинг юксак жисмоний ва ақлий иш қобилиятини муҳофаза этиш, аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш тобора долзарблик касб этмоқда.

Носоглом турмуш тарзи қандай салбий оқибатларга олиб келади?

Носоглом турмуш тарзи ва жисмоний нофаоллик юрак-қон томир тизими касалликлари, инсулът, хавфли ўсмалар, нафас олиш аъзоларининг сурункали яллиғланиши, қандли диабет каби юқумли бўлмаган хасталикларни келтириб чиқаргани боис бутун дунё бўйича ногиронлик ва барвақт ўлимларнинг етакчи сабабларидан ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кейинги бир неча ўн йил ичида дунёда ортиқча вазн ва семизлик муаммоси ортиб бормоқда. 2015 йилда юқумсиз касалликлар 40 миллион одамнинг умрига завол бўлди, бу эса дунё бўйича ўлим ҳолатларининг 70 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон — Япония:

ҲАМКОРЛИК ВА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҲАР СОҲАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Анъана ва қадриятлари бизга яқин бўлган Япония билан мамлакатимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболли ҳақида жамоатчиликка кенг маълумот бериш мақсадида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан пресс-тур ташкил этилди. Унда ОАВ ходимларига Япония элчихонасининг иқтисодиёт ва иқтисодий масалалар бўйича биринчи котиби Ямото Йокко, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ("JICA") лойиҳалар директори Мизухо Кубота ҳамроҳлик қилди.

Пресс-тур

Таълим йўналишидаги истиқболли лойиҳалар

Кунчиқар мамлакат дунёдаги электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бири. "Marubeni Corporation" мазкур мамлакатнинг танкили компанияларидан ҳисобланади. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент

амалиётни инкор этган вазиятларга дуч келамиз. Бундай пайтларда эса назарияни амалий тажрибага эга одам яратса ҳеч қандай тушунмовчиликлар, бир-бирини инкор қилувчи қондалар юзга келмайди, деган хулосага келамиз. Ушбу марказ асосий на-



ахборот технологиялари университетиде очилган ўқув медиа-марказида техник қурилмаларни етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари ҳам мазкур компания томонидан амалга оширилган. Ўзаро қелишувга асосан, "JICA" томонидан 187,9 млн. япон иенаси (1,6 млн. АҚШ долларини) ташкил қилувчи грант тақдим этилган. Шунга мувофиқ, университетда ўқув медиа-маркази очилган.

Ушбу марказ қисқа вақт ичида ёшларни бир мақсад остида бирлаштира олди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетини ректори Тўлқин Тешабоев. — Баъзан назария

зарияни таълим олувчиларнинг ўзлари яратиши, ўзлари амалиётда сынаб кўриб, хулоса чиқариши, кўника ҳосил қилишга ёрдам беради.

Талабалар олий ўқув юртида телевидение ва радио орқали туридан-тўғри эфирни амалга оширяпти, видео, аудио, суратлар ҳамда роликлар монтаж қилипти, ҳатто мустақил дастурлар яратяпти ҳам. Битирувчилар диплом иши сифатида дастур ёки ролик ишлаб чиқиб, "smart-hall"да намойиш этади. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари ичида ягона бўлган мазкур медиа-маркази билан бошқа ОТМ ўртасида

ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, "JICA" кўмагида Япониянинг етакчи телеканаллари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Пойтахтимиздаги 121-умумтаълим мактабида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда инглиз тили, ментал арифметика ҳамда математика бўйича электронлаштирилган курслар ташкил қилинган. Лингафон хонасида ўқувчилар нафақат ошитиш қобилиятини ўстириш, балки оғзаки нутқини ривожлантириш ва тил ўрганиш имкониятларига ҳам эга. Ўқувчиларнинг махсус планшетда ечаётган мисоллар натижалари бир вақтда электрон доскада кўрсатиб борилади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсадимиз ХХI асрда таълим қандай бўлишини ўқувчиларга, ота-оналарга, қолаверса, жаҳонга кўрсатишдир, — дейди Ахборот коммуникация технологиялари халқ таълими тизимида жорий этиш маркази директори Шўхрат Қаюмов. — Кейинги пайтларда "blended learning" (масофавий таълим) деган тушуна кенг оммалашмоқда. Бу нима дегани? Масофавий таълимда дарслар ҳам электрон, ҳам анъанавий тарзда ўтилади. Биз мазкур лойиҳа орқали юртимизда ушбу усулни қай даражада амалга ошириш мумкинлигини намойиш этиб бермоқчимиз. Бунда баҳолаш тартиби ҳам электрон тарзда баҳарлилади. Бу эса анъанавий йўсида ва компьютер технологиялари орқали дарс ўтилганда бола қай даражада ўзлаштиришининг фарқини кўрсатиб беради.



Ўзбек тилини биладиган япон дзюдочиси

Япон халқининг миллий спорт тури дзюдо билан юртимизда ҳам шуғулланувчилар кўп. Ушбу спорт турида нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришган спортчиларимиз ҳам талайгина. Айни пайтда ушбу натижаларнинг бардавомлигини таъминлаш мақсадида япониялик дзюдо мутахассиси Ашида Коки ўз юртида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларига ўзбекистонлик ёш спортчиларни тайёрламоқда. Бу ҳам Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан амалга оширилган муҳим лойиҳалардан саналади.

Мен икки йилдан буюн Ўзбекистонда ёшларга дзюдо спорт туридан сабоқ бераман, — дейди Ашида Коки. — Ўзбек тилини ҳам ўрганиб олдим. Тилингина эмас, ўзбек халқининг миллий таомларини тайёрлашни ҳам билиб олдим. Японига борсам дўстларимга, албатта, палов қилиб бераман.

Ҳозирги кунда тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига ҳозирлик қизгим. Йигирма нафардан ортиқ болалар билан ҳар куни машқ олиб борапмиз. Спорт залимизда Олимпиадага қанча вақт қолганини эртаю кеч кўрсатиб турувчи махсус соат ўрнатилган. Бу ҳам спортчиларимизнинг эътиборлигини оширади.

Пресс-тур давомида юртимизда Япония элчихонаси ҳамда "JICA" агентлиги орқали таълим грантларидан, малака ошириш ҳамда туризм каби қўллаб соҳалар бўйича дастурлардан фойдаланиш имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бораётгани ҳақида маълумотга эга бўлдим. Бу ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётганига ёрқин бир мисолдир.

Юлдуз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи»).

Ҳосан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи») олган суратлар.

СИРИ НИМАДА?



Агар ҳар куни камида 25 — 30 дақиқа югуриб, турли машқларни бажарсак, ўзимиздаги ижобий ўзгаришларни тезда пайқаймиз. Жумладан, юрак-қон томир функцияси фаоллашгани, нафас олишимиз яхшиланигани, суякларимиз мустаҳкамланиб, мускулларимиз янада кучли бўлгани яққол сезилади. Шунингдек, бўгинларимиз ҳаракатчанлиги ортиб, овқат ҳазми яхши, асаб тизими хотиржам бўлади.

Айтиш жоизки, кун тартибига амал қилиш соғлом турмуш тарзи асосидир. Кун тартибига инсоннинг дунёга келган кунидан бошлаб амалда бўлувчи доимий жараён саналиб, шахсининг турли мазмундаги фаолиятларини — меҳнат қилиш, дам олиш, овқатланиш, спорт билан шуғулланиш ва ҳоказоларни муайян вақтда, тартиб билан, кетма-кет бажаришидир. Табиийки, кун тартиби ҳамма учун бир хил бўла олмайди ва у шахсининг ёши, соғлиги, иш қобилияти ва маийий турмуш шароитига мувофиқ тузилади. Инсоннинг соғлом ёки носоглом турмуш тарзи ҳам кун тартибининг тўғри ёки нотўғри уюштирилганига боғлиқ.

Соғлом турмуш тарзи омилларидан яна бири — озодаликдир. Унга рияз қиладиган одам саломат бўлади. Терини тоза тутиш озодаликнинг биринчи қоидадидир. Зеро, тери организмизда модда алмашинуввида фаол иштирок этади.

Субҳатимиз интиҳосида барчадан соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилишни сўраймиз. Бинобарин, соғлом инсон узоқ ва бахтли ҳаёт кечириди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

■ 14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

АДАБИЙ АНЪАНАЛАРИ БАРДАВОМ



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Алишер Навоий ҳақида ўн иккита қимматли маълумот берилган. Самарқанд тахтига қайта ўтирган Бобурга довруғи оламга кетган улуг амир, машҳур шоирдан мактуб келиши ва унинг фахр билан жавоб йўллаши тўғрисидаги бешинчи маълумотда ўзaro адабий алоқа-таъсир ҳамда Алишер Навоийнинг темурийлар давлатининг кадрлар заҳираси учун ташаббус кўрсатиб истеъдодли ёшларни излаб топishi, ҳомийлик қилиши, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши каби муҳим масалалар қамраб олинади.

Бу борада етук навоийшунос Мақсуд Шайхзода-нинг “Шундан кўриладики, Навоий ўз умрининг сўнгги йилда гоёибона равишда Бобурни эшитиб, унга қизиқади ва мактуб билан алоқа боғлаш ташаббусини ўзи бошлайди. Ўн тўқиз яшар водийлик ёш шоирнинг кўтарилаётган юлдузини узоқ Ҳиротдан кўра олган Навоий ҳамма геннал шоирларга ўқшаб бир ажойиб хусусиятга эга эди, у ҳам бўлса ҳақиқий талантни топа ва кўра билшидир”, деган эди. Темурийлар Уйғонши даври таниқли давлат арбобининг “Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайдур эрдим”, деб илк ижод намуналарини ёза бошлаган Бобурни таниб, унга катта умид боғлаб мактуб йўллаши кишида ҳавас уйғотади. Бобур Самарқанд тахтида иккинчи бор ўтиганини шундай баён этади: “Бу иккинчи навбат Самарқанди олгонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавго бўлди”.

Бобурнинг Алишер Навоий номи билан боғлиқ мақсур маълумотидаги “Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим”, деган хабари унинг ўзига хос услубини эслатади. “Бобурнома”да битилган яна учта лаҳзада у кимгадир юборган туҳфа ёки жўнатмасининг орқасига манзил учун йўллаган саломни, қўтлуғ дуоси, эзгу тилаги, нек ниятини, дўстона ёки дипломатик муносабатларини, гинасини ҳам бадиий тарзда ифодалаб рубоий, қитъа ёки ғазалидан бир байт ёзиб юборгани ҳақида бебаҳо тасвирлар учрайди. Масалан, унинг Фўлод (Пўлод) Султонга (Шайбоний-хоннинг невараси, Темур Султоннинг ўғли. Бобур Қобулда мустақил ҳукумат тўзиб, тахтга ўтирган, у билан ўзарo элчилар алмашиб, дипломатик муносабатларни йўлга қўйган) битиб жўнатган бир қитъасининг ёзилиш тарихи, ҳада сифатида унинг номига юборилиши билан боғлиқ дипломатик муносабат ва адабий алоқа ҳам акс этган лаҳзага диққат қилсак: “Ҳофиз Жубайр котибининг оға-иниси Самарқандтин келиб эди, бу фурсатта Самарқанда рухсат бериб,

Фўлод Султонга девонимни йибордим. Девон орқасида бугина қитъани битидим:

Ул сарвинг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо, Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглиға. Раҳм айлабон соғинмади Бобурни бор умид, Солғай Худой раҳмини Фўлод кўнглиға”.

Қитъа тили содда, тушунарли бўлиб, юрт билан боғлиқ соғинч, ҳижрон, ўкинч, дийдор туйғулари ва қайсидир маънода илтифотсизлик қилган Пўлод Султондан озгина гина қилиш мотивлари ҳам бобурога услубда поэтик ифодаланган. Шунингдек, қитъада мумтоз лириканинг аънанавий рамзий образларидан бири бўлган сабо тимсолидан унумли фойдаланган ва *эй сабо*, дея муурожаат санъатининг гўзал намунасини ҳам яратган. Бобур лирикасида санъаткорлик билан қўллаган *сабо*, *ел*, *шаббод* тимсоллари адабиётшунослигимизда ўрганиб чиқилган. Ҳажр, ҳижрон, гина руҳий кечинмаларини ёритишда шоир *кўнглиға* сўзини икки марта қўллаб, тақрор санъатидан фойдаланган. Қитъанинг ички фониди эса мулк иши билан боғлиқ ижтимоий фикр, ижтимоий мавзу — элчилик, дипломатик муносабатлар ҳам поэтик талқин қилинган. “Худойим, кўнглиға меҳр сол”, деган дуога йўғрилган машҳур ҳалқ мақоли ирсолли масал санъати воситасида қитъада усталик билан қўлланган. Бобур ўзининг ва Пўлод Султоннинг исмини қўллаб, талмех санъатининг очиқ ҳамда мураккаб турларини яратган.

Бобурнинг адабий аънаналари бардавом эканлигини уни ўзларига устоз санган Махтумқули ва Дурдининг санъаткорлик билан битган “Савол ва жавоб” айтишувидаги дийдор туйғусининг ўзгача тароват, поэтик ифода билан тараннум қилингани ҳам яққол исботлайди.

Махтумқули — У нимадир емадилар — тўйдилар? Дурди шоир — У дийдордир — емадилар, тўйдилар.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди.

■ Молия муассасаларида

СИРДАРЁНИНГ «ЭЪЗОЗ» БРЕНДИ

УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДА «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»НИНГ АЛОҲИДА ҲИССАСИ БОР.

Худудлар ривожини, аҳоли бандлигини ва даромади ортишида молия муассасаларининг ўзига хос ҳиссаси бор. Бинобарин, улар томонидан кўрсатилаётган хизмат ҳамда ажратилаётган кредитлар туфайли жойларда кўплаб янги ишлаб чиқариш субъектлари пайдо бўляпти, ички бозоримиз зарур истеъмол товарлари билан бойиб борапти. Яқинда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида ишга туширилган “Agitex” Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси фикримизга мисол бўла олади. Гап шундаки, ушбу объект барпо этилишида “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкидан олинган 2,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит қўл келди.

QISHLOQQURILISHBANK



Мақсур корхона ташкил этилишида “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги имтиёзлар катта қўлайлик яратганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Корхона фойдаланишга топширилиши муносабати билан “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ташкил этилган пресс-турда шулар хусусида атрофлича маълумот берилди.

— Лойиҳамизнинг умумий қиймати 4 миллион доллардан

иборат, — дейди корхона директори Нодир Пирмухаммедов. — Шундан 2,3 миллион доллари молия муассасаси томонидан ажратилган кредит бўлса, қолгани инвесторлар сармосидир. — Айни пайтда 70 киши меҳнат қилаётган корхонамизда бугунги кайта ишлаб, бир кунда 260 тонна ун ва 70 тонна кепақ оляпмиз. Қозоғистон бугунидан тайёрланаётган бир неча навадаги унимизни харидорларга

“Эъзоз” бренди остида тақдим этилмоқда.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорларимиз маҳсулот номига ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Ахир ун ҳамда нон нафақат биз, балки барча халқлар учун қадрли ва эъзозлидир.

Корхона маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилади. Яъни айни вақтда афғонистонлик



ишбилармонлар билан бу борада шартнома тузилган.

Беш ярим гектар майдонда барпо этилган корхона Туркиядан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Лойиҳа доирасида кейинги йилда макарон цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Бу банкнинг молиявий кўмаги асосида ташкил этилган йирик лойиҳалардан бири ҳақида кичкина лаҳза, холос. Зеро, “Қишлоқ қурилиш банк”да бу каби лойиҳалар бир нечта. Жумладан, банкнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш маркази раҳбари Раҳматилла Фозиловнинг айтишича, ҳозир улар 20 та йирик лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Бунинг учун 20 миллион доллар миқдорида кредит йўналтирилган. Шулардан икkitаси жорий йилнинг биринчи чорағида ишга туширилади.

Пресс-тур иштирокчилари корхонанинг замонавий тегирмонлари, ишчиларга яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишишди.

Д. МУРОДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪОЛОНЛАР

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Математика факультети	Тарих факультети
— Ҳисоблаш математикаси ва ахборот тизимлари кафедраси: кафедра мудири;	— Жаҳон тарихи кафедраси: доцент;
— Ахборот хавфсизлиги кафедраси: кафедра мудири;	— Ўзбекистон тарихи кафедраси: доцент;
— Дифференциал тенгламалар ва математик физика кафедраси: доцент;	— Археология кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи;
— Математик анализ кафедраси: профессор;	— Манбашунослик ва архившунослик кафедраси: катта ўқитувчи.
— Амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи;	Ижтимоий фанлар факультети
— Геометрия ва топология кафедраси: катта ўқитувчи.	— Педагогика ва умумий психология кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи;
Физика факультети	— Психология кафедраси: доцент;
— Фотоника кафедраси: кафедра мудири, доцент;	— Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси: катта ўқитувчи.
— Яримўтказичлар ва полимерлар физикаси кафедраси: кафедра мудири.	Хорижий филология факультети
Биология факультети	— Инглиз филологияси кафедраси: катта ўқитувчи;
— Генетика кафедраси: кафедра мудири;	— Француз филологияси кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ўқитувчи;
— Биофизика кафедраси: кафедра мудири, доцент;	— Табиий йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси: катта ўқитувчи;
— Микробиология ва биотехнология кафедраси: кафедра мудири;	— Киёсий тилшунослик кафедраси: доцент, ўқитувчи;
— Зоология кафедраси: катта ўқитувчи;	— Рус филологияси кафедраси: кафедра мудири;
— Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси: кафедра мудири.	— Ўзбек филологияси кафедраси: кафедра мудири.
Кимё факультети	Таэквондо ва спорт фаолияти факультети
— Физикавий кимё кафедраси: доцент;	— Таэквондо ва спорт фаолияти кафедраси: кафедра мудири;
— Полимерлар кимёси кафедраси: кафедра мудири;	— Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.
— Органик кимё кафедраси: кафедра мудири.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими
Геология ва геонформацион тизимлар факультети	— Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими: ўқитувчи.
— Гидрогеология кафедраси: кафедра мудири;	Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
— Геология кафедраси: катта ўқитувчи.	1. Ректор номига ариза.
География ва табиий ресурслар факультети	2. Намзоднинг шахсий варақаси.
— Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси: кафедра мудири, доцент;	3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
— Куруқлик гидрологияси кафедраси: доцент.	4. Паспорт нусхаси.
Иқтисодиёт факультети	5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда).
— Минтақавий иқтисодиёт кафедраси: кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи;	6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
— Иқтисодиёт назарияси кафедраси: катта ўқитувчи.	

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУнинг ходимлар бўлими. Тел.: 71-246-03-92.

KAFOLAT 12 OY UZLUKSIZ ISHLASHIGA, 5 YIL BEPUL XIZMAT

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ!

100

дарддан халос этувчи ноёб даволаш профилактика ускунаси

Электр сандал «PGS-032» (танча) табиий ва экологик тоза материал — сополдан ясалган ноёб ускуна.

Маълумки, сопол иссиқни яхши сақлайди ва инсон танасига хуш ёқади, турли касалликларни даволовчи, олдини олувчи таъсир кўрсатади.

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Тел.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53. www.pgs.uz

Йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, кафолат муддати узоқ ҳамда кафолат муддатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва саноат иситкичларини таклиф қилади.

ISITKICHLARI

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Тел.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53. www.pgs.uz

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда. Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг: ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибиона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.	Тахририятга келган қўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Гезетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар. Гезета тахририят компьютер марказида терилиш ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.	“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.00 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6
---	--	---	---	--